

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил 28 сентябрь куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси Т.Вахобов, судья ёрдамчиси Х.Тошматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Хапизов, ҳимоячи М.Паёзова, судланувчи М.Қ. ва жабрланувчи Д.К.ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан Д.К.га оид [REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқди.



Суд, прокурор, ҳимоячи, судланувчи ва жабрланувчининг фикрларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни.

а н и қ л а д и :

Судланувчи М.Қ. ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2023 йил 28 июль куни соат 12ларда Фарғона шаҳар, П.Махмуд кўчасида жойлашган кийим-кечак ёйма бозорига бориб, Д.К.нинг савдо растаси устида телефон аппарати турганлигини кўриб, атрофни кузатиб, унга ҳеч ким эътибор бермаётганлигидан фойдаланиб, савдо растаси устида турган Д.К.нинг нархи 1.000.000 сўмлик “Редми 5+” русумли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан қочиб яширинган ва ушбу “Редми 5+” русумли телефон аппаратини Д.Х.га жинойий йўл билан қўлга киритилганлигини айтмасдан сотиб юборган.

Жабрланувчи Д.К. судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, судланувчи М.Қ.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Судланувчи М.Қ. судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқро ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Д.К.га етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Д.К. ва судланувчи М.Қ. ларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини, жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Фарғона шаҳар прокурор А.Хапизов ва ҳимоячи М.Паёзоваларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи М.Қ.нинг айбига иқрорлигини ва етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчи Д.К.га бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, М.Қ.га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек, суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Редми 5+” русумли телефон аппарати тилхат орқали жабрланувчига қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Д.К. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

М.Қ.га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

М.Қ.га нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Редми 5+” русумли телефон аппарати тилхат орқали жабрланувчига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Т.Вахобов

